

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 29 ноябр Шанба. № 93 (14485)

**ЭЪТИРОФ**

Ўзбекистон — ишончли ҳамкор. Бу мамлакат вакиллари айтган гапларининг устидан чиқадилар ва ўзбек банкирлари шуни тасдиқладиларки, улар билан ишласа бўлди, уларда шартнома имзолашга нисбатан юксак ҳурмат бор. Ўзбекистон ҳукумати ва Миллий банкда мавжуд ўта юқори даражадаги ташаббускорлик Ўзбек-Америка бизнеси ривожига ҳамкорлик қилишга интилиш борлигидан биз ниҳоятда мамнунмиз.

Томас СВАЙНЕ,  
“Чейз Манхеттен банки”  
ижроия вице-президенти

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И**

## Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Аниқ фанлар ривожига бекиб ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз, қомусий алома Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг халқимиз маънавий-маданий ҳаётидаги ўрни, алома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлигини ҳисобга олиб ҳамда унинг меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказишга кенг йўл очиб мақсадиди Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и ш:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва илмий-ижодий зиёлиларнинг Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини 1998 йилда ЮНЕСКО иштирокида кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тадбирлар ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Фарғона вилояти ҳокимлиги биргаликда 1998 йилнинг октябрь ойида «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тугган ўрни» мавзусида халқаро конференция ва тантанали байрам тадбирларини тайёрлаш ва ўтказишлар.

3. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Фарғона вилоятида қуриладиган ва таъмирланадиган иншоотлар рўйхати тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Фан ва техника давлат кўмитаси Аҳмад ал-Фарғонийнинг хорижий давлатлардаги кутубхоналарда ва фуқароларда сақланаётган меросини аниқлаш ва тўплаш учун 1997 йилдан бошлаб махсус археографик экспедициялар ташкил қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ўқув юрталарига эга бўлган вазирликлар ва идоралар 1997-1998 йилларда ўз тасарруфларидаги барча турдаги таълим муассасаларида Аҳмад ал-Фарғоний ўқувларини ташкил этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Давлат матбуот кўмитаси 1997-1999 йилларда Аҳмад ал-Фарғоний асарлари ва унинг ҳаёти ва ижодига оид наشرларни ўзбек, араб, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этишни таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат матбуот кўмитаси, «Узтелерадио» компанияси, Балний академия, «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнаво» газет-журнал уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Бас-такорлар уюшмаси ўз йўналишлари бўйича Аҳмад ал-Фарғоний меросининг моҳиятини ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб берувчи энг яхши илмий, адабий-бадиий, тасвирий санъат, телевидеокино, публицистика, мусиқа асарлари учун халқаро танловлар эълон қилинсинлар.

8. «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида 2 қисмли ҳужжатли, илмий-оммабоп, публицистик фильм яратишни ва унинг хорижий тилларга дубляж қилинишини режалаштирсин.

9. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Ўзбек алтомалири» туркумида почта маркалари ва конвертлар чиқаришни мунтазам йўлга қўйсин ва унинг биринчисини Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишласин.

10. Оммавий ахборот воситалари Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолиятининг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, юбилейга тайёргарликнинг боришини кенг ёритсинлар.

11. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва «Узтелерадио» компанияси Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан амалга ошириладиган ишларни тарғиб-ташвиқ қилиш, хорижий оммавий ахборот воситаларини зарур маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

12. Белгиланган юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, юбилей иншоотларини қуриш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

Юбилей тадбирларини ўтказишга қорхоналар ва ташкилотлар, жамғармаларнинг, шунингдек, хорижий ҳомийларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин ва уларга нисбатан қонуналарда белгиланган солиққа оид тегишли имтиёзлар жорий қилинсин.

13. Маъқур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
1997 йил 27 ноябрь

*Чўлпон таваллудининг юз йиллигига*



### АДАБИЁТГАМИЗНИНГ ЁРҚИН ТУЛДУЗИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра атоқли шоир, озолик кўйичи Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Истиқлол шарофати уларок, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг маънавийтимиз юксалишига катта эътибор бераётгани бос кейинги йилларда Чўлпон адабий мероси ҳам ўз қадрини топди. Юбилейга тайёргарлик жараёнида адабнинг қўллаб асарлари, у ҳақидаги тадқиқотлар нашр этилди. Шу кунларда меҳнат жамоаларида, ўқув даргоҳларида буюк шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган учрашув, суҳбат ва илмий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Чўлпон миллатпарвар, маърифатпарвар инсон эди. У шоир, носир, драматург, таржимон, жамоат арбоби сифатида халқимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Хуриятни, миллат эрки ва озодлигини ёниб қўйлади. Унинг оташин шеърлари, «Кеча ва кундуз» романи, публицистик мақолалари, драмалари адабиётимиз хазинасига буюк ҳисса бўлиб қўшилди. Истиқлол йилларида Чўлпон ижодий меросини урганишга жиддий киришилди. Асарлари мактаб ва олий ўқув юрталари ўқув дастури, дарсликлардан ўрин олди.

28 ноябр куни Тошкентда Абдулхамид Чўлпон юбилейига бағишланган «Шарқ халқларининг миллий уйғониши ва Чўлпон ижоди» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази уюштирган бу тадбирда адабиётшунос олимлар, тарихчилар, ёзувчи ва шоирлар, талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжумани Фанлар академиясининг президенти Т.Жўраев очди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий кўмитасининг раиси А. Азизжўраев анжуманда сўзга чиқиб, муваффақият билан қўйди, Чўлпон XX аср ўзбек маданияти ва адабиётини ривожлантиришга, адабий тилимиз равангага салмоқли ҳисса қўшган ижодкордир. Унинг ижоди ватан, миллат, истиқлол тушунчаларини теран ҳис этишга ўргатади. Қалбимизда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини тарбиялади. Чўлпон ўзбек халқининг, қолаверса истиқлол остидаги бутун туркий халқларнинг озодликка чиқишини орзу қилган, шу йўлда курашган ва фидо бўлган эди. Бугунги кунда халқимиз бу бахтга эришди ва Чўлпондек асил фарзандлари номини эъзозламоқда.

Илмий конференцияда тарих фанлари доктори Дилдором Алимова «XX аср бошларидаги Туркистонда ижтимоий-тарихий вазият ва ҳадидчилик ҳаракатининг туғилиши», филология фанлари доктори Найм Каримов «Чўлпон Шарқ миллий уйғониш ҳаракатининг кўзгуси сифатида», Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзолари Бахтиёр Назаров «Чўлпон шеърлигида миллий уйғониш ғоялари», Салоҳиддин Мамажонов «XX асарининг биринчи чорағидаги миллий уйғониш ва Чўлпон драматургияси», таниқли адабиётшунос Озод Шарофидинов «Туркистон халқларининг тарихий тақдир ва Чўлпоннинг насрий ижоди», филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев «Фитрат ва Чўлпон» мавзусида маъруза қилдилар.

Анжуманда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Раҳматов қатнашди.

**Мухаммад ЮСУФ**

## Чўлпон

Ўлса ўзи ўлар,  
Сўзи ўлмайди.  
Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар.  
Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди —  
Юракка кўмилар асл шоирлар.  
Йўқса йўқлаш йўлин ўргатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрени кўрсатинг менга...

Ҳазон билмас боғдир шоирнинг зўри,  
Сархил мевалари мунтазир боғдир.  
Кўкка туташ тоғдир шоирнинг зўри,  
Тоғни ерга кўмиб бўларми ахир?..  
Эртақ сўйламоқни тўхтатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрени кўрсатинг менга.

Бошга болиш қилиб қайин пўстини,  
Балки у ҳорган-у ухлаб ётгандир.  
Душмани тан бериб уйғотиб уни,  
Эҳтимол, энг яқин дўсти сотгандир.  
Рост сўзини айтар, уйғотинг менга,  
Чўлпоннинг гўрени кўрсатинг менга.

Қани шеърни энган маҳмаданалар,  
Энг шимариб энган маҳмаданалар.  
Ўзин чорбоғидан ўзи юлқилаб,  
Гулханга гул кўмган маҳмаданалар.  
Туртиб турғазинг, бир сўзлатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрени кўрсатинг менга.

Ўзи қаландару шоир байти — шоҳ,  
Ёрда гиёҳдир у, осмонда қушдир.  
Шоирни ўлдирмоқ — сувни ёндирмоқ,  
Ёрни сийдирмоқдек мушкул юмушдир.  
Эй сиз, ўйлаб қилич ўйнатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрени кўрсатинг менга.

Сўз бор — ўлган тирик, тириклар жонсиз,  
Ойдин хотира бор кўнгил гавҳари.  
Кетар битта-битта ному нишонсиз,  
Уни йўқ қилмоқчи бўлганнинг бари.  
Биттасин номини эслатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрени кўрсатинг менга...

Ўлса ўзи ўлар,  
Сўзи ўлмайди.  
Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар.

## СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ


Қаршида “Маънавий баркамол, соғлом шахс — давлатимиз таянчи” мавзусида семинар-кўнраш бўлди. Республика хотин-қизлар кўмитаси ва “Камолот” ёшлар жамғармаси ташкил этган бу анжуманда вилоят жамоат ташкилотлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Семинарни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Каримов бошқарди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломова, “Камолот” ёшлар жамғармаси бошқарувининг раиси Ҳ. Абдураимов, “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси бошқаруви раиси Г.Йўлдошева ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш, уларнинг пухта билим олиши ва меҳнат қилиши учун барча зарур шароит яратилаётгани ҳақида гапирдилар.

Семинар қатнашчилари аёллар ва ҳуқуқ, ёшлар тарбияси, соғлом авлодни, баркамол йигит-қизларни вояга етказишда оила, мактаб ва жамиятнинг ўрни каби масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

*Президентнинг сўнгинчи сўзлари*



## СИЗ ИХЛОС ҚЎЙГАН ЙИГИТ



Абдуфәрруҳнинг ўрта мактабда ўқиган пайтида физика ва математика фанларига қизиқиш жуда кучли эди. Ана шу қизиқиши илмга чанқоқ уspirинини ТошДУ қошидаги физика-математика лицейига бошлаб келди.

Маълумки, лицейда энг иқтидорли болалар таълим олишади. Абдуфәрруҳ эса уларнинг орасида ялт этиб муаллим-педагоглар назарига тушди. Ҳақиқатнинг дастлабки йили у Республика миқёсида ўтказилган физика фани бўйича олимпиадада қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади. Абдуфәрруҳнинг истеъдодини пайқатган муаллимлар Узро кенгашиб, уни 10-синфдан 11-синфга ўтказишди. У ўз тенгқурларидан аввал имтиёзли шаҳодатнома билан лицейни муддатидан илгари тугатиб, ўн беш ёшда Тошкент Давлат Университети физика факультетининг талабаси бўлди. Аслини олганда бу ёшда айрим йигит-қизлар ўзлари учун бирон касб ҳам танлаб улгуришмайди... Олий ўқув юртидаги таҳсил олиш жараёнида унинг билимга чанқоқлиги, янгиликларга интилиши ва меҳнатсеварлиги кўпчиликини ҳайратга соларди. Факультет ўқитувчилари билан илмий изланишларда ҳамкорлик қилиб, талайгина мураккаб ишларни амалга оширди.

Абдуфәрруҳнинг нияти замонавий техника ва компьютер технологияси бўйича

ноанъанавий, ҳали ўқув дастурига кирмаган бўлимларни ўзлаштириш эди.

Ўз олдига қўйган мақсадни қутилганидан зиёда рўёбга чиқарди. Бу айниқса, компьютер технологияси соҳасида яққол кўзга ташланади. Дастурлаш услуби, тахрир дастурлари, қолаверса “Windows” жараёнли тизим қобиғида ишлашни пухта ўзлаштириб олди. Шу билан бирга услубий изланишлар маҳсулини компьютерда тахрирлаб, чоп этишга бошлади.

Абдуфәрруҳ Абдуваликовнинг дифференциал тенгламаларни махсус нукталарга қараб турларга ажратиш бўйича олиб борган изланиши натижалари шу йили республика ёшларининг “Камолот” жамғармаси уюштирган ёш олимлар ва иқтидорли талабалар анжумани қатнашчиларининг илмий ишлари тўпламида чоп этилди. “Квант механикаси” доирасида изланишлар олиб бораётган Абдуфәрруҳ водородсимон атомларнинг энергетик сатҳлари спектрини ҳисоблаш ишларини “Fortran”, “Turbo Pascal” дастурлаш тиллари ёрдамида ЭХМда олиб бормоқда. Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, ушбу дастурлаш тилларини ўзлаштиришнинг ўзи муаммоли соҳа бўлиб, уни амалга оширишни ҳар ким ҳам ўз зиммасига олавермайди.

**НАЗОКАТ**

## Шоир ижодига бағишлаб

Мамлакатимизда маърифатпарвар адиб Абдулхамид Чўлпон таваллудининг юз йиллиги кенг нишонланмоқда. Бобур номидаги Андижон вилоят кутубхонасида унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма очилди. «Рассом» ижодий ишлаб чиқариш комбинати ва Чўлпон жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган бу кўргазмада вилоят рассомларининг буюк адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти акс эттирилган асарлари намойиш қилинмоқда. Андижондаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, мактабларда Чўлпонга бағишланган адабий-бадиий кечалар, қизқарғил учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

**К.НИЗОМОВ, ЎЗА мухбири**

ЎЗА

*Азиз муштарийлар!*  
“ТУРКИСТОН” га обуна давом этмоқда.  
Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; яқка тартибдаги обуначилар учун 203,  
“Туркистон” Сиз билан бирга!





# БУ СИР ЭМАС

Мен Ташкентдаги тўйлар, ёшларнинг ушбу маросимга муносабати тўғрисида ўзим гувоҳ бўлган айрим жиҳатлар билан ўртоқлашмоқчи эдим. Ростини айтганда пойтахтдаги тўйлар "ким узарга", "мен сендан қоламанми" қабилида ўтиши ҳеч кимга сир эмас.

Келин, бир бошидан сўзлай. Келин қилиш ниятида хонадон соҳибаси "ўзига тенг" кўрган бошқа оилга совчиликка боради. Қиз хонадоннинг ижтимоий келиб чиқиши, моддий фаровонлиги совчилар кўнглига ўтириб дегунча учрашувни тайин қилишади. Қиз ва йигит белгиланган жойда учрашади. Ёшлар бир-бирини маъқул кўрса "сова бериш" учрашуви бўлади. Кейин "оқ ўралди". Ҳамма ҳаракат шундан сўнг бошланади. Қизнинг отаси меъбел, онаси кўрпа-курпачо яна бошқа нарсалар билан, бўлгуси келин эса никоҳ либоси ҳақида жиддий бош қотира бошлайди.

Ҳўш, бу пайтда кўёв нималар тўғрисида ўилайди? Қалиб пули, узук, сарпо-сурполар, никоҳдан қайд қилиш маросими (ёшлар уни "Загс" дейишади) учун кафе ё ресторани таяин қилиш, хориж автомашиналари, тасвирчи, отарчилар ўртақашлар ва бошқа майда-чуйдалар қайғусида бўлади.

Тўйга тақлиф этилган меҳмонлар ҳам ташвишланиб қолишади. Албатта, яхши маънода. Аёллар "Отнопар" бозоридаги сўнги русумли кийим-кечагу, тилда тақинчоқлар билан боғлиқ "жиддий" масала билан шуғулланаётган пайтларида, эркаклар қанча тўёна бериш лозимлигидек "муҳим муаммо" ҳуусида бош қотирашади.

Тўй ҳақида гапирганда икки оғиз "Загс" маросими тўғрисида айтмасликнинг ёлғози йўқ. Бир-бирдан башанг кийиниб олган йигит-қизлар турнақатор машиналарда, айтайлик "Навруз" маросимлар тўйга келин-кўёвни кузатиб боришади. Кийин-қийин зилдек ус-

кунасини елкасига кўйиб олган тасвирчига қийин. Шунда унинг чинакам "режиссёрлик" маҳорати намойён бўла болайди. Сўб бўйида, гулзор орасида, мажнунот тағидига "табиий" лавҳаларни кино усталари ҳам ўйлаб топмасалар керак!

Кечқурунги никоҳ маросимининг қандай ўтиши унга қай даражадаги машҳур хонадоннинг келиши, ўртада йигит-қизларнинг баравар дўпир-дўпир ўйнаш тўғрисида билан бевоқифа боғлиқдир. Маросим ҳар иккала кунининг даража тақлиф этилиб охирда ижро қилинаётган "Тановор" оҳанги остида санъаткорларнинг пул йиғими билан якунланади. Тўғри, тўйларимизнинг маънавий ибрат бўладиган жиҳатлари ҳам бор! Лекин юқорида қайд этилган баҳаналардан кўз юмиб бўлмайди-ку...

Тўйларнинг серхарж, чиқимдор эканлиги кўпчиликни хижолатта солса-да, лекин қариндош-уруғлар, таниш-билишлар орасида бундан оқибдан-оқиб айтишга истиҳода қилишади. Ёшлар учун ушбу тўйлар қандай аҳамиятга эга? Уздадан ёши улугларни хурматлаш билан бирга миллий анъаналаримизга эътибор қилиш ниятида эҳтиром қилишга эҳтиром, муваққил ҳаёт бугага масъулиятни астойдил ҳис этишни ўргатмоғи лозим эмасми-кан?

Мен тўйларимизни қоралаш, танқид қилиш фикрдан буткул йироқман. Зеро, халқимиз "Тўйга етказин", "Фарзандлар, невар-чеварларнинг тўйини кўрайлик" деб дуога кўл очади. Рузгордан, узилан тежаб-тергаб яхши кунларга... тўйлар учун йигит-терлади. Тўйларимиз эса чинакамга маънавий из қўзғуси бўлиб қолишини истар эдим. Балки сизнинг фикрингиз бошқачадир?..

### НОЗИМА

Шундай қилиб никоҳ тўйига етиб келинади. Куёвнинг, келиннинг уйда учоқ-қозон илинади. Тўйликда келиннинг отаси халққа "падар оши" беради. Биринчи сузиладиган ош кўёвга узатилади. Ундан кейин ёшлар базмларини ўтказишади. Никоҳ тўйи баъзи Бухоронинг кўп жойларида келинни-куёвни ўйлаб қўйиб қилишади. Иш пишгар,

# БАХТ СЕПУ ТИЛЛОДАМИ?

Бухорода никоҳ тўйи мана бундай ўтади... Кишларда хотинлар қиз ахтариб юришмайди. Чунки қайси хонадонда нечта қиз бору, унинг ота-онаси қимлигини ҳамма яхши билади. Кўз остига олинган қиз хонадонига бўлажақ кўёвнинг икки яқини — тоғаси, аммакиси совчи бўлиб боради. (Бошқа жойларда эса аёллар совчилик қилишади). Иш пишгар,

наварқарлар билан икки машғала ёқиб келишади. Тўйхона олдига гулхан ёқилиб, ўйинга тушилади. Карнай-сурнай салолари ҳамқишлоқларни тўйга чорлайди.

Бухоро тўйларида бошқа жойларга қараганда, миллий урф-одатлар сақланиб қолган. Келинлик уйда қирқ кун чимилдиқ иилиниб туриши, эрталабки келин саломлар... Аммо баъзи-баъзида, "фалонч келин шунча сеп сўраганмиш", "тилла олиб бермасанг тўй бўлмайди деганимиш" қабилидаги гаплар ҳам эшитилиб туради. Шунда ўйлаб қоламан: ахир момоларимиз ҳам бори-га қаноат қилиб яшаган-ку. Нахотки қизлар ўзи борадиган хонадоннинг паст-баландига қарашни исташма. Оналарни, нега уллар таътиқ қизларнинг сўйига қулоқ сойиб, орага совчилик туширишади. Бахт сепу тиллода эмас-ку?

Адолат ЗАРИПОВА

# МАШЪУМ ИСТИЛО

Ўзбекистонда бўлса газетамизнинг ўтган шабона сониде "Ўрта Осиё мусулманлари босиб олиш пайтида Георгий ординга сазовор бўлган Чор офицерлари" рўйхатининг Бир қисмини ёритган эдик. Рус подполлари Иван Грозний, Пётр-1 лар амалга оширилганда вазифани чоризм аскарлари урдалаш максасида Туркистон ўлкасига жуда катта ҳарбий куч билан бостириб кирдилар.

Ғаним тажовузини қайтариш, Она ватан эркини, озодлигини сақлаб қолиш максасида аждодларимиз сўнги томчи қонгача куран олиб боргандар.

Пудшо Николай -- I Марказий Осиёни тезроқ мустаамлакага айлантириш истагида ўз офицерларини шаҳарлари, қалъаларини айри-айри қилганлиги, маҳаллий аҳолини қиринчоқдан ўтказганлиги учун қимматбахо совғалар, орденлар билан тақдирлаб турганлиги ушбу рўйхатдан ҳам маълумдир.

Кавалерград полкидан бош штабга бириктирилиб қўйилган штабс-полковник, ҳозир генерал-лейтенант Глуховский ҳужум билан Уратепа қалъасини олишдаги иш-тироқи учун 1866 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Лейб-гузарлар полкидан бош штабга бириктириб қўйилган штабс-полковник, ҳозир генерал-лейтенант Шавгаузен-Шенберг-3. К. Шауфус ҳужум билан Уратепа қалъасини олишдаги иш-тироқи учун 1866 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Оренбург ўқчи батальонидан капитан, ҳозир генерал-шефантиера Гриппенбург ҳужум билан Уратепа қалъасини олишдаги иш-тироқи учун 1866 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

3-Оренбург сафарбар ўқчи батальонидан штаб-капитан Олени Жиззах қалъаси ва шахрини олишдаги иш-тироқи учун 1866 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

6-Уланск-Волпек полкидан поручик Кузьминский Жиззах қалъасини олишдаги иш-тироқи учун 4-даражали орден билан тақдирланган.

9-Оренбург сафарбар, ҳозирги 19-ўқчи батальонидан майор Назаров Ержар қиридаги иш учун 1866 йил 8 майда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Бош штаб Самарқанд отряди бошлиғи генерал-майор Романовский 1866 йил давомида бухороликларга қарши ишларда алоҳида ўрناق кўрсатганлиги учун 4-даражали орден билан тақдирланган.

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари кўмондонни генерал-адъютант Фон-Кауфман бухороликларга қарши ишларда алоҳида ўрناق кўрсатганлиги учун 1866 йил 4-даражали орден билан тақдирланган.

6-Туркистон сафарбар, ҳозирги ўқчи батальонидан капитан Шеметлино исён пайтида Самарқанд қалъасини қарқармонларча ҳимоя қилганлиги учун 1868 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

6-Туркистон сафарбар, ҳозирги ўқчи батальонидан майор Штемпель исён пайтида Самарқанд қалъасини қарқармонларча ҳимоя қилганлиги учун 1868 йил 4-даражали орден билан тақдирланган.

Истефодовчи мичман Василий Васильевич Верещачин (машҳур расомо, 1904 йил зиркли Петропавловск кемасида ҳалок бўлган) исён пайтида Самарқанд қалъасини қарқармонларча ҳимоя қилганлиги учун 1868 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Зарафшон округи отрядининг бошлиғи генерал-майор Абрамов Китоб қалъаси олинганлиги учун 3-даражали орден билан тақдирланган.

Еттисув вилояти қўшинлари кўмондонни генерал-лейтенант Колпаковский Хитойга юриш ва Фулжа олинганлиги учун 1871 йилда 3-даражали орден билан тақдирланган.

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари кўмондонни генерал-адъютант, муҳандис-генерал Фон-Кауфман Хива шахри олинганлиги учун 1873 йилда 2-даражали орден билан тақдирланган.

Олий Ҳазратлари князь Евгений Максимиллианович Романовский, герцог Лейтхенберский Хивага юриши учун 1873 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Туркистон отрядининг штаб бошлиғи, полковник Фриде ёвмитлар билан жанги учун 1873 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Бош штаб Манғишлоқ отряди ҳузуринда турувчи полковник Скобелев ўтказилган текширув ишлари ва ёвмитларга қарши иш учун 1873 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Доғистон номутназа отлик полкидан майор Квиниталде хивалиқларга қарши ишлари учун 4-даражали орден билан тақдирланган.

Бош штаб олий хазратлари генерал-майор (кейинчалик Вилпекс Ҳарбий округи кўмондонни) Троцкий 1875-1876 йилларда Қўқон хонлигини забт этишдаги ишлари учун 3-даражали орден билан тақдирланган.

Бош штаб олий хазратлари генерал-майор Скобелев 1875-1876 йилларда Қўқон хонлигини забт этишдаги ишлари учун 3-даражали орден билан тақдирланган.

Маъжид ҲАСАНИЙ

### ДУШАНБА, I

I  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.  
8.00—8.30 «Ҳафтаномаси».

8.30 «Янгрисин шўх яллалар».  
8.55 «Узлик». Бадий-публицистик курсатув.  
9.20 «Ўзбектеелефильм» намойиш этади: «Улмас касоб соҳиблари».  
9.30 Болалар учун. «Омад юлдузи».

10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.  
10.05 «Сўхат-саломатлик» почтаси.  
10.35 «Ҳажон киноси юлдузлари».

10.55 Кино янгиликлари.  
11.10 «Хасад». Бадий фильм.  
12.55 «Кетмас давлат берсин».

13.15 «Оталар сўзи — актининг кўзи». 1-қисм.  
14.05—14.35 Дои Зокиров номидаги халқ чогу оркестрининг концерти.

17.55 Курсатувлар тартиби.  
18.10 Болалар учун. «Санъатчилар».

18.35 «Олам ва одам».  
18.55 «Аср муаммоси».  
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.45 — Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.55 Биржа ва банк хабарлари.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.30 «Ахборот».

21.00 «Калб минбари».  
21.20 Хожи Абдулазиз Расулوف номидаги I Республика хонадалари куриктанови совридорларининг концерти.  
22.15 «Қимирлаган қир ошар».

22.25 «Келин-куёв». Телешоу.  
23.05 Ю.Розиков. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 6-қисм.  
23.50 «Ахборот».

00.15—00.20 Ватан тимсоллари.  
18.00 Курсатувлар дастури.  
18.05 Кундалик.  
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Ўзлонлар.

18.20 «Ерилтош». Мульт-тўплам.  
18.35 «Табият дунёси».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.55 «Туризм ҳақида».

20.20 «Муслик йўлка».  
20.30 «Ахборот».  
20.55 Оханглар ва Ўзлонлар.  
21.15 «Кинонигоҳ».

22.05 Кундалик.  
22.15 «Спорт қитъаси».  
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.  
23.55—00.05 Кундалик.

18.15 Янгиликлар.  
21.35 «Кругозор». Тележурнал.  
Россия давлат телевидениси.  
22.00 — 22.45

22.45 Ўзлонлар.  
22.50 «Тўрт шим ва чит қўйлақ». Қисса метражи бадий фильм.  
23.20 «Ахборот» (рус тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

20.00 «Ҳажон».  
20.20 «Аворейд».  
20.30 «Ўқумоклари». Бадий фильм. 3-серия.  
21.25 «Умр бахори».  
21.40 «Спорт-тайм».  
21.50 «Тасвир-97». Танлов ишлари. 2-қисм.  
22.35 «Умид».

23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».  
18.45 «Мультикарусель».  
19.00, 21.30 Ўзлонлар.  
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телевизион бадий фильм.  
19.30 «Якуз».

### II

18.00 Курсатувлар дастури.  
18.05 Кундалик.  
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Ўзлонлар.  
18.20 «Ерилтош». Мульт-тўплам.  
18.35 «Палитра».

18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...  
19.10 «Нафис мажлислар».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.55 «Кино ҳақида».  
20.30 «Ахборот».

20.55 Оханглар ва Ўзлонлар.  
21.15 «Кинонигоҳ».  
22.55 Кундалик.  
23.05 «Бизнинг авлод».

23.20 «АКС».  
23.40 Ишбилармонлар ҳафтаси.  
23.55—00.05 Кундалик.

18.15 Янгиликлар.  
18.20 — 21.35  
21.35 Томошбинлар талаблари-га биоан концерт.

Россия давлат телевидениси.  
22.00 — 22.45  
22.45 Ўзлонлар.  
22.50 «Коттон» клуби. Бадий фильм. 1-серия (АҚШ).  
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.  
18.45 Курсатувлар тартиби.  
18.50 «Мультикарусель».

19.05, 20.55 Ўзлонлар.  
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.  
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

20.10 Муслик дақиқалар.  
20.15 «Жонли тун!».  
21.00 «Тақдир сўқмоқлари». Бадий фильм. 4-серия.  
21.50 «Дурларшан».

22.20 «Моҳир».  
22.45 «Телефакт (Маданият янгиликлари)».  
22.55 ТВ-IV да немиш тўққини.  
23.20 «Америкага бир назар».

23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».  
18.45 Курсатувлар тартиби.  
18.50 «Мультикарусель».

19.05, 20.55 Ўзлонлар.  
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.  
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

20.10 Муслик дақиқалар.  
20.15 «Жонли тун!».  
21.00 «Тақдир сўқмоқлари». Бадий фильм. 4-серия.  
21.50 «Дурларшан».

22.20 «Моҳир».  
22.45 «Телефакт (Маданият янгиликлари)».  
22.55 ТВ-IV да немиш тўққини.  
23.20 «Америкага бир назар».

23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».  
18.45 Курсатувлар тартиби.  
18.50 «Мультикарусель».

19.05, 20.55 Ўзлонлар.  
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.  
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

20.10 Муслик дақиқалар.  
20.15 «Жонли тун!».  
21.00 «Тақдир сўқмоқлари». Бадий фильм. 4-серия.  
21.50 «Дурларшан».

22.20 «Моҳир».  
22.45 «Телефакт (Маданият янгиликлари)».  
22.55 ТВ-IV да немиш тўққини.  
23.20 «Америкага бир назар».

23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».  
18.45 Курсатувлар тартиби.  
18.50 «Мультикарусель».

19.05, 20.55 Ўзлонлар.  
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.  
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

20.10 Муслик дақиқалар.  
20.15 «Жонли тун!».  
21.00 «Тақдир сўқмоқлари». Бадий фильм. 4-серия.  
21.50 «Дурларшан».

22.20 «Моҳир».  
22.45 «Телефакт (Маданият янгиликлари)».  
22.55 ТВ-IV да немиш тўққини.  
23.20 «Америкага бир назар».

23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».  
18.45 Курсат



қанд, шакар ва ёғ олган бўлардим. Яқинда Алексей хизматдан қайтиб келди. Уни кийинтириш керак. Болалар хурсанд бўлиши учун карамель ширинлик олардим. Тўғриси, энг аввал нон сотиб олардим. Бир неча кундан бери уйда урвоқ ҳам йўқ" деб жавоб қилди.

Агар Тейковда фақат Харахнинлар оиласи азият чекаётган бўлса, бошқа гап эди. Бир неча йил аввал шаҳарча аҳолисининг комбинатда ишловчи учдан бири қисми -- 3 минг кишига яқин ишчи кўчага чиқариб ташланди. Тўлашга пул йўқ. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳеч ким олмапти. Хом ашё йўқ. Сотиб олишга эса маблағ етишмайди. Ишлаётганларнинг ярми бо-

"Инсон танаси аъзоларининг барча хатти-ҳаракатлари муайян оҳангларга бўйсунди. Мазкур оҳанглар эса кунлар ва йилларнинг тайин бир вақти, ойнинг тўлиши ёки буткул қўриқмай кетиш даври билан узвий боғлиқдир". Буни чорак аср муқаддам мюнхенлик профессор, даврий биология (хронологиология) соҳасининг кашфиётчиси Юген Ашофф таъкидлаб ўтганди.

Ушанда бу фикр мутахассислар томонидан илм-фанга мутлақо қарши мулоҳаза сифатида қабул қилинган эди. Инсон танаси аъзоларининг маълум бир вақт асосида ишлаши борасидаги тадқиқотлар тибобий ўн қутилмаган ҳодиса эди. Олимларнинг аниқлашларича, одам танасида куннинг турли вақтида дори-дармонлар турлича сингар ва таъсир қилар экан. Айтайлик, бош оғриғини қолдириш учун эрталаб учта таблетка зарур бўлса, кечқурун дорининг биттаси ҳам етарли экан. Ҳар иккала ҳолда ҳам фойда бир хил.

Ҳар бир одамнинг бармоқ излари фақат ўша кишигагина хос бўлгани каби, барчамиз ўзимизга яраша "иссик" ёҳуд "совуқ", "кун", ёки "тун" мижозимиз. Шунга қарамадан хронологиология баъзи умумий ҳудодлар ясашга имкон беради. Ушбу соҳа олимлари учун тонги соат уч ва туртлар орасида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши олти баробарга кўпаяди.

"Ярим тундан кейин инсоннинг ҳушёрлиги шунчалик сусаядики, ҳатто энг ишончли ва зийрак одам ҳам кўз қўриб қўлоқ қўриб йўл қўйиши лайди америкалик тинч Мур -- Ид. Фақатгина олтиларча инсонлик қобилияти Шу пайтада биз-римизга қувват "стресс гормоннада" ишлаб беради.

"Афтидан биз-отланган ибтидоий рининг тез-тезлик керак", -- дея тах- "Штерн" журна-нос профессор Зеро ақлий меҳнат 10 билан 12 ора-булади.

12.30 дан соат истемол қилган-қатий назар бар-меҳнат қобилия-кузатиқдан. Уму-қурақликлар ҳар бўлиб, маш-снгли уйку инсон-эҳтижатирос кел-лакатларда олиб тадқиқотлар шун миан соат 15 лар-огриқларни камроқ сезар экан.

Нафақат танамиз, балки тафаккуримизда ҳам даврий тебранишлар содир бўлиб, улар коинот вақтига бўйсунди. Ҳозирда "хронопсихология" деб аталмиши янги фан мутлақо сир-синаотли тебранишлар: юрак-нинг яширин тебраниш даврини тадқиқ этияпти. Қизиқ-да инсон танасининг ҳай бир ички қиллишда тўғ махсус мослама бору унга асосланиб биз тағламиз, овқат еймиз ёки сайра қиламиз.

Энди хронологиология олимлар таъсирасига кўра бир тизимга солинган тахминларни кўздан кечиришимиз. Уларнинг қанчалик тўғри эканини ўзингизда синаб кўринг. Демак:

Тонги соат 6 да. Инсон танасининг ишта туша бошлаш пайти. Қунийдек, меҳнат қобилияти бу вақтда энг юқори даражага кўтариллади. Соат 8 да. Бу вақтда киши ўзи ёқтирган одами тўғрисида кўпроқ уйлайди.

Соат 9 да. Муолижалар вақти: бу пайтада тери кўпроқ эмловчи моддаларга таъсирчанроқ бўлади. Мулоқот вақти: 9 ва 10 лар орасида бўлади. Иқод вақти: мия соат 10 ва 12 лар орасида жуда фаол ишлайди.

Овқат ҳазм қилиш соати: ошқозон шираси кундузи 13 да жуда яхши ажралиб чиқади. Маҳорат соати: бармоқлар соат 15 ва 16 лар орасида ҳар доимгидан-да чаққонроқ ишлайди. Усин соати: соч ва тирноқлар соат 16 ва 18 лар орасида тезроқ ўсади.

Сезги аъзолари соати: таъм, эшитиш ва ҳид сезиш айниқса 17 ва 19 ларда кучли бўлади. Гузаллик соати: 18 ва 20 ларда тери пардоз воситаларини осонгина сингадилади. Муомала соати: соат 20 ва 22 лар ўртасида ёлғизлик энг одамови кишига ҳам ёмон таъсир қилади. Имунитет ҳимояси соати: соат 22 да имунитет тизими инфекциялардан жуда яхши ҳимоя қилади. Таваллу соати: аксарият кичкинтойлар соат 24 билан 4 лар орасида дунёга келади.

Кўрлик соати: тунги соатларда автомобил ҳайдовчиларининг кўриш қобилияти қанчалик кучли бўлмасин, кескин пасади. Ҳаётда соати: тунги смена ишчилари айнан соат 3 ва 4 ларда яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариши эҳтимоли кўчалди. Бўнашин соати: тонги соат 4 ва 5 лар ўртасида қон босими энг паст кўрсаткичга тушиб кетади.

Хорижий матбуот асосида НАРИЗГА тайёрлади

Тилсинот олами

ИШБИЛАРМОНЛАРГА БЕПУЛ ТАКЛИО

Она заминимизнинг мўъжизаларини умр бўйи ҳайратланиб яшаймиз. Аждоғларимиз ўз ҳаётлари давомида тажриба ёки эзла-ниш оқибатида кашф этган табобат сир-асор-ларини янги авлодларга тўлириб, муқамаллаштириб боравердилар.

Лекин бизнинг асри-мизга келиб ҳудудларга бу ҳаётий ҳақиқат занжир кўп жойларидан узилди. "Аллоҳ ўзи берган дард-ларига ўзи табиий шифо-малҳамларини ҳам бериб қўйган", -- деган гапни бу-гун тез-тез эшитамиз. Бироқ адолатсиз тузум даврида халқ табобати юзига қорач қорач тортил-ди, инсон дардларига аниқ беғараз, беэиён малҳам бўлғувчи табиий дори-дар-монлар ўрнини сунъий дори-лар эгаллади. Бу сунъий шифо воситалари-нинг бемор танига, руҳиятига таъсири бир қилимлик билан тақкир қилинди. Бугун Аллоҳга беадал шукр, боғимизга сал орғик қилди дегимизга, чўнтагимизда доим олиб юрадиган дори-дан бир до-насини озғимизга солиш-тида олдин унинг фойдаю зибини ўйлаб кўрадиган бўлидик.

Наботот олаמידан олинган гихлар нафақат касалликка шифо, балким ўз соғлиғини истаган ҳар қандай одам танасига куч-қувват, энгил руҳ бахш этишини англаб бора-яп-тимиз.

Дарвоқе, тошқовқони ўзи нималигини ҳаммадан бирдани-га тушунамаслиги мумкин. Бу турли вилоятларда ушбу хос аталади. Самарқанд вилояти ту-манларида "Сув қад", "Ош-қади" деб юритилади. Чўнки ташқариси -- териси тошдек қаттиқ бўлган, ноқашлидаги қаттаю кичик қовқоқларини ичини яхшилаб тозаллаб, қалим-қалимдан сув, қатик, овқат со-ладиган идиш ўрнида ишла-тишган.

Фарғона вилоятида эса "Бе-дана қовқоқ" дейишади. Чўнки унинг юқори қисмини кесиб ташлаб, тур тўкиб бедана со-либ боқишган.

Яқинда Сурхондарё вилоя-тида сафарда бўлганимда бу қовқоннинг яна бир фазилати-ни эшитдим -- унинг дамма-си жигар фаолиятини ҳам ях-шиларкан, сариқ касаллигини олдини олишга, тез тузалиши-га ёрдам беракан. Шунда а-ждоғларимиз заковатида яна бир қарра лол қолдим. Демак, тошқовқондан ясалган идиш-ларда сақланган сув, қатик, та-омлар ҳам шифобахшга айла-



Рашид АБДУЛЛО озиған расм

Саҳнада чўлпон

Тўхтасин Жалилов номидаги Андижон Давлат санъат билим юрти талабаларини Достонбек Гафоров бошчилигидаги ҳаваскор ёшлар театри шинавандаларининг кўпайиб бораётгани кувончли ҳол.

Уларнинг ўқув юртларида, меҳнат жа-моаларида томоша кўрсатаётганини эшитганлар шўшиб қолишади. "Истан-бул жоғаси", "Исён", "Оқил ва уч бахил" каби саҳна кўринишлари мана у йилдирик театр жамоасининг реперту-арини тўшмай келмоқда.

Миллатларару шониримиз Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан шу кунларда ёш хаваскорлар театри драматург Низом-жон Умаровнинг уч пардали "Чўлпон" тарихий драматини намойиш этишди.

Спектаклни томоша қилар экансиз, қатагон даври руҳияти ва фожеаларини аjoyиб саҳна топилмалари ёрдамида акс эттиришга интилан режиссёр Д. Гафоровнинг маҳоратидан хурсанд бўласиз. Ёш актёрлар Чўлпон (Р. Уринов), Су-лаймон базоз (Р. Мадрохимов), Усмон Носир (Х. Асроров), Х. Олимжон (Х. Турдиев), Турғун (С. Валиев) образларини ўз имкониятлари даражасида муваффақиятли ижро этишган.

Спектаклдан сўнг шинавандалар ёш хаваскорларнинг репертуари яна бир яхши спектакл эвазига бойиганлиги ҳақида тўлқинлиб гапиришди.

Абдураҳмон ИСҲОҚОВ Андижон

АЧЧИК КЎЗ ЁШЛАР

Русияда тенгдошларингиз қандай яшайди?

Бу ҳақда гапириб қанчалар оғир. Кўз олдингизга "нон" деб турган болаю-ю, турмуш ташвишларидан боши қотган она-нинг гамгин нигоҳини келтириб кўринг. Нақадар аялиқ ҳолат. Москвадан 250 километр олдига Тейково тўқимачилик шаҳарчасида яшовчи кўп болалик она, маҳаллий комбинат ишчиси Ольга Харах-нина "Фарзандларимни қандай боқаман?" -- деб боши қотган ҳолда ўтирарди. Бу ҳолатга ишонини қийин, аммо бор гап.

Пул икки ҳафта ол-дин тугаган. Неча кунлардан бери уйда ейишга нон йўқ. Ёғ идишининг бўшаганига эса анча бўлган. Ёшгина жувон қаршимда хорғин ва гамгин ўтирарди. "Қандай яшайсиз?" -- деган саволимга у сира уйланмай "Яша-маяпмиз, балки мажҳудмиз, холос" -- деб жавоб қилди. Кейин шундай деди: "Уйда озгинагина гуруч қолган. Агар томорқам бўлмаганда у ҳам бўлмасди. Эрим охириги

зор талабларига кўра икки мартага қисқартирилиши керак. Одамлар амалда ишсиз қолганлар дарвозадан чиқариб юбо-ришса нима қиламиз?" -- деган ташвишлар. Ком-би н а т н и н г тўқимачилардан катта миқдорда қарзи бор. Хоҳлаганларга пул ўрнига газлама беришяпти. Сотиб пул ишлашга.

Тейковда 40 мингга яқин аҳоли бор. Шаҳар марказида ҳамон Ленин ҳайкали. Партиялар сибсатдан бўшамайди. Ҳоки-мият шаҳар ҳаётини бошқара олмай қол-

ган. Газета муҳаррири ўз ҳаётига тажовуз қилди. Озуқа ишлаб чиқарувчи корхона иш-чилари иш ҳақларини талаб қилиб иш таш-лади. Йўллар издан чиққан, ифлос ва қоронғу кўчалар. Деярли тўрт минг нафар киши расман ишсиз. Жиноятчилик ва ичкилик-бозлик ҳалдан зиёд. Мактаб ўқувчиларининг 80 фоизига яқини касалманд. Тўғилшдан ол-дин кўп. Айниқса, сил ва қон-томир кас-саллигидан вафот этаётганлар кўп.

Тейковда оилалар ва болаларни ижти-моий муҳофаза қилиш маркази бор. У ер-даги уч хона эски мебеллар билан жиҳозланган. Биз боқиш ва кийинтириш қудратига етмаган оилалар фарзандларини қабул қилиб оламиз, -- дейди унинг бошлиғи ёш ўқитувчи Галина Кручинина. -- Уларнинг кўпчилиги ота-оналари ҳаёт бўлса ҳам без-орилик кўчасига кириб кетган, қаровсиз ва дайди болалар. Ҳоҳ ишонинг, ишонманг, баъзилари ҳатто қўғирчоқ нималигини ҳам билишмайди. Болалар шунчалик очки, уларни иссиқ овқат қўйилган дастурхонга яқинлаштиришга кўрқасан киши. Очлик-дан овқатга ташланиб, куйиб қолишлари мумкин. Шаҳарчадаги умумий бечо-раҳолик манзараси мени кўпроқ уйланти-ради. Шунда кўз олдимга Ольга Харахнина келади: "Бундан кейин қандай яшаймиз?" Бу саволга эса жавоб йўқ.

"Труд" дан Н.АЛИМОВ таржимаси.

Ёшларга наснаҳат

Ичига қийма солинадиган қарам туз-сиз сувда пиширилади, акс холда кўп сувоқлик ажралиб чиқиб, қийма хомроқ бўлиб қолади. Маълумки, гўштни пишириш учун кўп вақт керак. Агар қайнаётган шўрвага 2-3 қошиқ сирка қўшилиса, тезроқ пишади.

Саримсоқ пийёз еганингиздан сўнг, хиди келмаслиги учун кўкактлардан озгина истемол қилинг. Бир нечта лимон шарбати занг, сиёҳ шун-ингдек чой доғларини кетказиши мумкин.

ФЕРУЗА тайёрлади.

ЮПДУЗНАР САМОДАН СУЗЛАЙДИ

КҮЙ. Бу ҳафтада ҳалдан ташқари ишингиз кўпчилигидан жиҳдий ҳисётларга берилиб кетишингиз туғайли ақилларингиз билан муносабатингизда совоқчилик тушиши мумкин. Хасталаниб қолишдан сақланинг.

БУЗОҚ. Эскича ақилалар фаолиятингизга салбий таъсир этади. Хонадонингизда қутилмаган ҳодиса рўй бериши мумкин. Қўшимча даромад топиб борасидаги ҳаракатларингиз амара бериш ҳам қутилади.

ЭГИЗАКЛАР. Фаолиятингиздаги натижалар амалда ҳеч нарса бермади. У ҳолда ҳисётларга берилмасдан ўзингизни тутиг. Қариндошларингиз ёрдамга келиша-ди. Улар қўнғили дам олишингизга тарафдордир.

ҚИСКИБАКА. Бу ҳафтада ўта хорғинлик ва бўшаувчанлик юз беради. Қўнғили хордиқ чиқариш пайида бўлиг. Молиявий инқироздан қуйнаси. Ҳоқилларингиз ва дўстларингиздан ранжийсиз. Истак ва хижиларингизнинг беғуборлигига аҳамий бериг. Қисқа муддат ичида молиявий муаммоларни ҳал этмасангиз зарар кўришингиз мумкин.

АРСЛОН. Ҳисётларга берилманг. Ҳамкорликдаги шерикларингиз билан муносабатни яхшилашга инти-линг. Ўз хатти-ҳаракатларингизга баҳо бера билмасан-гиз салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ПАЗИЗОД. Хатти-ҳаракатларингизда ўзгариш бўлади. Камчиликларингизни тузата бошлайсиз. Фирмангиз туғайли ўзингизни ўнғил ола биласиз. Фарзандларин-гизнинг оила ташвишларига, турлича қарашларига кў-қулоқ бўлинг.

ЭКСПОРТГА... ОШ ТУЗИ

Ҳиндистонда ош тузи тайёрлаш мустақиллик йил-ларида беш баробар кўпайди. Ҳозирги пайтада у четта энг кўп туз чиқар-адиган мамлакатга айлан-ган. Йилга қарийб 500 минг тонна ош тузи эк-спорт қилинади. Ҳинд ту-зини асосан Непал, Бутан, Мальдив ороллари, Бан-гладеш, Сингапур, Малай-зия, Танзания, Кения ва Уганда ҳам сотиб олади.

БАНАНДАН ТАОМ

Индонезиянинг пой-тахти Жакартада аjoyиб мусобақа бўлиб ўтди. Бел-лаш шарти -- банан меса-сидан кўпроқ таом тайёр-лаш эди. Бунда икки ми-н-дан зиёд тайёрлов усули-ни билган Нани Супарди галиб деб топилди. Талаб-чан ҳақамаларга эса ҳушбўй банан шакароблари, қону-рилган, тузланган, димлан-ган, қайнатилган ва шу каби банан таомлар тортил-ди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида БАХТИЁР тайёрлади.

ШЕРЬЯТ ИХЛОСМАНДАРА ВАҚҚАТГА!

Таниқли шоир Муҳаммад Юсуф раҳбарлигидаги "Шерьят саб-оқлари" мактабининг келгуси машғулот 3 декабр кун соат 15.00 да бошланади.

Гўзал мушоираю, қизгин баҳсу мунозаралар Сизнинг ташрифингиз билан янада баркамоллашувини унутман!

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ "КАМОПОТ" ЖАМГАРМАСИ, УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ВА "МУШТУМ" ЖУРНАЛИ

Шу йил 19-20 декабр кунлари А. Навоий номи Санъат Саройида "Қизилчи-97" республика кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилади. Бу йилги танлов марҳум қизкичи Собит Асомов хотирасига бағишланади.

ОЛИЙ ҲУЖАЛИК СУДИНИНГ "ҲУЖАЛИК ВА ҲУКУК" -- "ХОЗЯЙСТВО И ПРАВО" ЖУРНАЛИ ҚОШИДАГИ "ЎҚУВ МАРКАЗИ"

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланмиши мумкин. Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Муассис: УЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ: 136-56-58, 133-94-97